

## Фитна қачон бошланган ва қаердан келади?

Image not found or type unknown



15:00 / 26.02.2024 3926

هُنَعُ هَلَلَا يَضَرَّهٗ فَيَدُحُّ نَعُ  
هُلَلَا يَضَرَّ رَمُعَ دُنْعَ اُنُّكَ : لَاقِ  
عَمَسُ مَكِّيَا : لَاقَفُ هُنَعُ  
هُلَلَا يَلَّصُ هَلَلَا لُوسَرُ

نَتِفْلَا رُكُذَي مَلَسَوِ هَيْلَع  
هُنْ عَمَسُ نَحْنُ مُوقَلِاقَف  
نُونَعَتُ مُكَلَعَلِاقَف  
هَلَهَأِي فِلُجْرَلَاةَنْتِف  
كَلْتِاقِلَجَا: اُولِاقِ؟ هِرَاجَو  
مَآيِّصَلَاوُةَالصَلَاأَهْرَفَكُت  
عَمَسُ مُكُيَا نَكَلَوُةَقَدَّصَلَاو  
لِاقِ؟ رَحَبَلَا جَوْمُ جَوْمَتِي تَلَا  
مُوقَلَا تَكُسَأَفُةَفِي دُح  
هَلَلَتْنَا: لِاقِ، أَنَا: تَلُوقَف  
لُوسَرُتْ عَمَسُ: تَلُوقِ؟ كُوبَا  
هَيْلَعُ هَلَلَايَلَصِ هَلَلَا  
ضَرَعُتْ «: لُوقِي مَلَسَوِ

بُولُقْ لَ اِ يَلَعُ نَتِ فُلَا  
يَافُ اَدُوعِ اَدُوعِ رِي صَحْلَاك  
هَيَفَتِ كُنْ اَهَبِرْشُ اِبْلَق  
بِلَقِ يَافُ اَدُوعِ سُهُتْ كُنْ  
هُتْ كُنْ هَيَفَتِ كُنْ اَهَرَ كُنْ ا  
يَلَعِ رِي صَتِ يَّتَحُ اَضِي ب  
لُتِمَ ضِي بَا يَلَعِ نِي بِلَق  
هُنْتِ فُهُرُضَتِ اَلَفِ اَفْصِلَا  
ضُرَالَاوُتِ اَوَمُّسِلَا تَمَادَام  
زُوكُلَاكِ اَدَابُرْمُ دُوسَا رَخَالَاو  
اَلَوِ اَفُورَعِمُ فِرْعِي اَلِ اَيِّخَجُم  
نَمَ بِرْشُ اَمِ اَلَا اَرَ كُنْمُ رِكُنِي  
هُتْ تَدَحُ وُ: هُفِي دَحِ لَاقِ ، هُاَوَه

أَبَابَ آهَنْيَبَ وَكَنْيَبَ نَأْ  
لَأَقْرَسُ كُنْيَبَ نَأْ كَشْوِي أَقْلُغْمُ  
وَلَفَ ، كَلْ أَبَا أَلْ أَرْسَكَ أُرْمُعُ  
، دَاعِي نَأْ هَلْغَلْ حَتْفُ هَنْأُ  
رَسُ كُنْيَبَ لَبْ أَلْ تُتْلُقُ  
لُجَرَبْ أَبْلَا كَلْ ذَنْأُ هَتْتَدْحُ وَ  
أَثِي دَحْ ، تَوْمِي وَ أَلْتَقِي  
هَأُورِ ، طِيلْ أَلْ أَبْ سَيْلْ  
، يَذْمُرْتَلْ أَوْ نَأْ خِي شَلْ أ

Ҳузайфа розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Умар розияллоҳу анҳунинг олдида эдик. У: «Қай бирингиз Расулуллоҳ алайҳиссаломнинг фитналар ҳақида гапирганларини эшитгансиз?» деди. Бир неча киши: «Биз эшитганмиз», дейишди. У: «Кишининг аҳли ва қўшниси билан боғлиқ фитнани айтяпсизлар шекилли?» деган эди, «Шундоқ», дейишди. «Унга намоз, рўза ва садақа каффорат бўлади. Аммо қай бирингиз денгиздек мавж урадиган фитна ҳақида эшитган?» деди. Қавм жим бўлиб қолган эди, «Мен», дедим. У: «Сенми? Отангга раҳмат!» деди. Мен шундай дедим: «Расулуллоҳ алайҳиссаломнинг шундай деганларини эшитганман: **«Фитналар қалбга худди бўйранинг чўпидек кетма-кет келади. У қайси қалбга кирса, унга қора нуқта босилади. Қайси қалб уни инкор қилса, унга оқ нуқта босилади. Охир-оқибат**

булар икки хил қалбга айланади. Бири сафодек оппоқ бўлиб, токи осмонлару ер бор экан, унга фитна зарар етказмайди. Бири эса қора бўлиб, бир оз оқ аралашган бўлади. У тўнқарилган кўзага ўхшайди. Маъруфни билмайди, мункарни инкор қилмайди. Лекин ўзининг ҳавои нафсига нима тўғри келса, ўшани билади». Сўнгра унга «Сен билан унинг орасида ёпиқ эшик бор. У синдирилса керак», дедим. «Синдириладими, отанг ўлгур? Агар у очилса, ўрнига қайтмас экан-да», деди Умар. «Йўқ, синдирилади», дедим. Мен унга ўша эшик ўлдириладиган ёки ўладиган бир киши эканлигини айтдим. Бу хато бўлиши мумкин бўлмаган гап эди».

*Икки шайх ва Термизий ривоят қилганлар.*

Шарҳ: Ўша синдириладиган эшик – ҳазрати Умар розияллоху анҳунинг ўзлари эди. У зот ўлдирилгач, гўё фитналарни тўсиб турган эшик синди. Умар розияллоху анҳудан кейин фитналар пайдо бўла бошлади. Ҳазрати Усмон розияллоху анҳунинг даврларида эса фитна авж олиб, мусулмонлар бошига кўпгина мусибатлар тушди.

يَضَرُّ وَزَمَعِ نَبِ دِيغَسْ نَع  
أَسْلَجُ تُنْكَ : لَأَقُ هُنَعُ هَلَلَا  
هُ هَلَلَا يَضَرُّ هَزِيْرُهُ يَبَأْغَم  
يَبْنَلَا دِجْسَمِ يَفْ هُنَع  
مَلَسَوِ هِيْلَعُ هَلَلَا يَلَص  
: هَزِيْرُهُ وَبَأْلَأَقُ ، نَأْوَرَمُ أَنْعَمَو  
قَوْدُصَمَلَا قِدَاصلَا تُعَمَس

يَلَع يَتُّمُّ أَعْكَلَه «لُوقِي  
شِيرُقُ نَمِّمْلَغُ يَدِي  
هَلْ لَأَعْلُ : نَأُورَمَ لَأَقَف  
وَبَأَلَأَقَف ، أَعْمَلْغُ مَهْيَلَع  
لُوقَأُ نَأُتْ شُؤْل : أَعْرِيْرُه  
نَأَلُف يَنْبَوِ نَأَلُف يَنْب  
يَحْيُ نُبُ وُزْمَع لَأَق ، تَلَعَفَل  
يَلَأِ يَدَجَّ عَمُّ جُخَّ أُنْكَف  
أُكَلَمَ نِيحَ نَأُورَمَ يَنْب  
أَنَأْمَلْغُ مَهْأَرُ إِذِإْف ، مَأَشْ لِبَاب  
أَلُؤَه يَسَع : أَنَل لَأَق أَثْأَدْحَأ  
تُنَأ : أَنَلُق ، مَهْنَم أُونُوكَيُ نَأُ  
دَمَحْ أُونَأَخِي شِلَأ هَأُورُ . مَلْغَأُ

Саъид ибн Амр розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Абу Ҳурайра билан Набий алайҳиссаломнинг масжидларида ўтирган эдик. Марвон ҳам биз билан эди. Абу Ҳурайра: «Мен Содиқул-масдуқ соллаллоху алайҳи васалламнинг **«Умматининг ҳалокати қурайшлик болаларнинг қўлида»**, деганларини эшитганман», деди. Марвон: «Ўша болаларга Аллоҳнинг лаънати бўлсин!» деди. Шунда Абу Ҳурайра: «Агар Бану Фулон, Бану Фулон дейишимни истасанг, айтаман», деди.

Амр ибн Яҳё айтади: «Ҳокимият Бану Марвон қўлига ўтганида, Шомда турганида бобом билан чиқар эдим. Бобом уларнинг ёш йигитлар эканини кўриб, «Мана шулар ўшалар бўлса керак», дер эди. Шунда биз «Буни сиз биласиз-да», дер эдик».

*Икки шайх ва Аҳмад ривоят қилганлар.*

**Шарҳ:** Ушбу ривоятга суйанган баъзилар «Эҳтимол, умматнинг ҳалокатига сабаб бўлганлар Бану Марвон бўлса керак», дейдилар.

هُنَعُ هَلَلَا يَضَرَّ رَمْعَ نُبَاِنَعُ  
هَلَلَا يَلَّصَّ يَبْنَلَا عَمَّسُ هُنَّا  
لَبُقَاتُ سُمَّوَهُ وَ مَلَّسَ وَ هِيَلَعُ  
نَاِالَا «لُوقِي قُرْشَمُ لَا  
ثِيْحُ نَمَ اَنُهَهَ ءَنَتِ فُلَا  
هَاور . «نَاطِي شَلَا نُرَقُ غُلُطِي  
يِذِمَّرْتَلَاوِ نَاخِي شَلَا

Ибн Умар розияллоху анхумодан ривоят қилинади:

«Мен Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг машриқ томонга қараб,  
«Огоҳ бўлинглар, фитна мана шу томонда, шайтоннинг шохи  
чиқадиган тарафда», деганларини эшитганман».

*Икки шайх ва Термизий ривоят қилганлар.*

**Шарҳ:** Уламоларимиз «шайтоннинг шохи» деган ибора ҳақида бир неча хил фикрлар айтганлар.

Довудий «Ҳақиқатан ҳам шайтоннинг иккита шохи бор», деган.

Ҳиравий эса «Унинг икки шохи – бошининг икки тарафидир», деган.

Баъзилар «Шайтоннинг шохидан мурод унинг қувватидир», деганлар.

Пайғамбар алайҳиссаломнинг машриққа ишора қилишларининг маъноси – ўша пайтда машриқ тарафда куфр аҳли яшаган.

هَلَلَايِلَصَّيْبِنَلَاِنَعُ هَنْعَو  
مُهَلَلَا: لَأَقَمَّ لَسَو هَيْلَع  
مُهَلَلَا، اَنَّمْ أَشِي فِ اَنَلْ كِرَاب  
«اَنَنْ مِي فِ اَنَلْ كِرَاب  
يَفَو هَلَلَا لُؤَسَرَاي: اُولَأَق  
كِرَابٌ مُهَلَلَا» : لَأَق، اَنَدَجَن  
كِرَابٌ مُهَلَلَا، اَنَّمْ أَشِي فِ اَنَلْ  
اَي: اُولَأَق، «اَنَنْ مِي فِ اَنَلْ

أَنْدَجَنْ يَفَوْهَلْ لَأَلْ وُسَرِ  
:ةَثِلْ لَأَلْ يَفَلْ لَأَقُ هُنْ ظَأَفُ  
نَتِ فُلْ أَوْ لَزَالْ زَلْ أَلْ كَأَنْ هُ  
نُرَقُ غُلْ طِي أِهَبْ وَ  
يِرَاحُ بَلْ أِهَ أَوْرُ . «نَأْطِي شَلْ أ  
يِ ذِمْرَتْ لَأَوْ

Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Аллоҳим, Шомни баракали қилгин! Аллоҳим, Яманни баракали қилгин!»** дедилар. «Наждни ҳамми?» дейишган эди, яна **«Аллоҳим, Шомни баракали қилгин! Аллоҳим, Яманни баракали қилгин!»** дедилар. «Эй Аллоҳнинг Расули, Наждни ҳамми?» дейишган эди, менимча, учинчисида: **«У ерда зилзилалар, фитналар бўлади, у ердан шайтоннинг шохи чиқади»**, дедилар.

*Бухорий ва Термизий ривоят қилганлар.*

Шарҳ: Баъзи уламолар «Пайғамбар алайҳиссалом Нажд ҳаққига дуо қилмаганларининг сабаби ўша вақтда у юртнинг аҳли кофир бўлганидир», дейдилар. Нажд Мадинаи Мунавварага нисбатан машриқ тарафдир.

هَلْ لَأَلْ وُسَرِ رَجَخَ : لَأَقُ هُنْ غَوْ  
نَمْ مَلَسَوْ هَيْلَعُ هَلْ لَأَلْ ص

سَأْرُ: لَاقَفَ شَيْئًا عَرِيبًا  
ثِيْحٌ نَمَّ أَنْهَهُ نَمْرُفُكُلًا  
«نَاطِيٍّ شَلَا نُرْقُغُ لَطِي  
مَلْسُمٌ هَاوَرٍ. قَرَشَمَلَا يَنْغِي

Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Оишанинг уйидан чиқиб,  
**«Куфрнинг боши мана бу ёқда, шайтоннинг шохи чиқадиган  
тарафда»**, дедилар, яъни машриқда».

*Муслим ривоят қилган.*

**Шарҳ:** Дарҳақиқат, кейинчалик Пайғамбар алайҳиссаломнинг ушбу  
мўъжизалари ўз тасдиғини топди. Кўпгина фитналар айнан Мадинаи  
Мунавварага нисбатан машриқ бўлган тарафдан чиқди. Кейинчалик  
яъжуж-маъжужнинг ҳам, Дажжолнинг ҳам машриқдан чиқиши айтилган.

**«Фитналар ва Қиёмат аломатлари» китобидан**